**Давлат буюртмаси асосида илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажариш тўғрисида ШАРТНОМА № _______**

**Тошкент ш.** **«__» _______ 2020 йил**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда -«Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи вазир **Абдураҳмонов Иброхим Юлчиевич** бир томондан, иккинчи томондан мегалойиҳа раҳбари **Тожиев Панжи Жовлиевич** ҳамда ижро этувчи ташкилот **Термиз давлат университети** (кейинги ўринларда – «Биринчи ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи **Тошқулов Абдуқодир Хамидович,** учинчи томондан мегалойиҳа ҳамраҳбари **Жураев Асрор Бахтиёр ўғли** ҳамда ижро этувчи ташкилот **Тошкент кимё-технология институти** (кейинги ўринларда – «Иккинчи ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи **Усмонов Ботир Шукуриллаевич** ўрталарида мазкур шартнома тузилди.

## 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Ушбу шартнома асосида «Буюртмачи» буюртма беради, «Биринчи ижрочи» ва «Иккинчи ижрочи» эса давлат буюртмаси мақомига эга бўлган: **Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш** мавзусидаги амалий мегалойиҳани (кейинчалик мегалойиҳа) бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Мегалойиҳанинг бажарилиш муддати: бошланиши «__» ________ 20__ йил, тугалланиши «__» _________ 20___ йил.

1.3. Мегалойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар ва уларни бажариш муддатлари ҳамда бажарилган ишлар бўйича тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган календар режага асосан белгиланади.

## 2. Шартноманинг молиявий ҳажми ва молиялаштириш тартиби

2.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома асосида бажариладиган лойиҳа «Биринчи ижрочи»га жами: **1200 000 000,0 (1 миллиард икки юз миллион)** сўм, шу жумладан лойиҳанинг биринчи йилида бажариладиган ишлар учун **400 000 000,0 (тўрт юз миллион)** сўм, «Иккинчи ижрочи»га жами: **1200 000 000,0 (1 миллиард икки юз миллион)** сўм, шу жумладан лойиҳанинг биринчи йилида бажариладиган ишлар учун 4**00 000 000,0 (икки юз миллион)** сўм маблағ ажратади.

2.2. Лойиҳага ажратиладиган бюджет маблағи миқдорининг 95 фоизи тадқиқот даври мобайнида, илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда иш ҳақи ва моддий харажатларни қоплаш учун ажратилади.

2.3. Лойиҳага ажратиладиган бюджет маблағининг қолган 5 фоизи илмий тадқиқот натижасини тижоратлаштириш, ишлаб чиқариш ёки илмий-педагогик жараёнга татбиқ этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш натижалари экспертизадан ўтказилиб, «Буюртмачи» томонидан қабул қилинганидан сўнг ажратилади.

2.4. Кейинги йилда бажариладиган ишлар учун ўтказиладиган пул маблағлари Молия вазирлиги томонидан индексация қилинадиган бўлса, у ҳолда индексация миқдори қўшилган ҳолда молиялаштирилади.

2.5. Шартноманинг молиявий ҳажми 2-иловага мувофиқ тасдиқланган харажатлар сметаси асосида белгиланади. Бажариладиган ишларни молиялаштириш ҳар ойда ҳаражатлар сметаси ва календарь режа асосида олдиндан амалга оширилади.

2.6. «Биринчи ижрочи» ва «Иккинчи ижрочи» ушбу шартномага кўра лойиҳага ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметаси таркиби ва ҳажмини мустақил белгилайдилар. Ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниқлаш тартиби «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

Иш ҳақи ҳажми амалдаги норматив ҳужжатлар асосида белгиланади. Ижрочилар ҳамда Лойиҳа раҳбарлари лойиҳанинг харажатлар сметасида лойиҳани бажариш учун зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилишни кўзда тутиши лозим. Ижрочилар давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишига жавобгардир.

2.7. Ижрочилар томонидан ишлар тўла ҳажмда бажарилганидан сўнг ушбу шартнома асосида ажратилган маблағларнинг ишлатилмай қолган қисми иш тугатилган кундан бошлаб 30 кун ичида «Буюртмачи»га қайтарилади.

## 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «**Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Лойиҳа доирасида бажарилаётган ишларни ва ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланаётганлигини зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиш.

3.1.2. Лойиҳани амалга ошириш натижаларига оид маълумотларни, илмий ва молиявий ҳисоботларни Ижрочилардан талаб қилиш.

3.1.3. «Лойиҳа раҳбари» ва Ижрочилар билан келишилган ҳолда ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3.1.4. Мазкур шартнома шартлари Ижрочилар томонидан бажарилмаганда ёки тегишли даражада бажарилмаганда ушбу шартномани бекор қилиш.

3.2. «**Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Ижрочилар томонидан тақдим этилган шартнома, харажатлар сметаси ва календар режани кўриб чиқиш ва келишиш.

3.2.2. Мазкур шартнома асосида, унинг харажатлар сметасига мос равишда лойиҳани молиялаштириш.

3.3. **Ижрочиларнинг ҳуқуқлари:**

3.3.1. «Буюртмачи»дан лойиҳани ижросига оид барча зарур ахборот ва маълумотларни сўраб олиш.

3.3.2. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларни ўз муддатида молиялаштирилишини талаб қилиш.

3.4. **Ижрочиларнинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Календар режага мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини ўз муддатида «Буюртмачи»га топшириш. Лойиҳа доирасида олинган натижаларни синовдан ўтказиш ва тижоратлаштириш (жорий қилиш)ни таъминлаш.

3.4.2. Тадқиқот натижалари бўйича нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда ушбу

шартноманинг календарь режасида белгиланган муддатларда илмий мақолалар чоп этилишини таъминлаш.

3.4.3. Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатларни олиш.

3.4.4. Бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, шартномада назарда тутилган параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан бартараф этиш.

3.4.5. Кутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда «Буюртмачи»ни 5 иш кунидан кечикмасдан хабардор қилиш.

3.4.6. Шартнома асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериш.

3.4.7. Лойиҳани сифатли ва самарали бажариш учун зарур бўлган ашёлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар, ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминлаш ва бошқа зарур шароитларни яратиш.

3.4.8. Шартномада кўзда тутилган маблағлар ва товар-моддий бойликлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш.

3.4.9. Илмий-тадқиқот ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида топширилишини таъминлаш.

3.4.10. «Буюртмачи» томонидан жойига чиққан ҳолда лойиҳанинг бажарилиши юзасидан ўтказиладиган мониторинг учун зарур шароитларни яратиб бериш.

3.4.11. Юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда «Буюртмачи»ни 10 кун ичида хабардор қилиш.

3.4.12. Лойиҳа доирасида ажратилган бюджет маблағларини харажатлар сметаси асосида белгиланган тартибда ва миқдорда мақсадли сарфланишини таъминлаш.

3.4.13. Лойиҳа доирасида яратилган илмий фаолият натижалари лойиҳа якунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин тижоратлаштирилиши шарт.

3.5. **Лойиҳа раҳбарининг ҳуқуқлари:**

3.5.1. «Ижрочи»дан лойиҳани ижросига оид барча зарур ахборот ва маълумотларни сўраб олиш.

3.5.2. Лойиҳа доирасидаги ишларни бажариш учун маблағларни ўз вақтида молиялаштирилишини талаб қилиш.

3.6. **Лойиҳа раҳбарларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги:**

3.6.1. Шартнома шартларини ва лойиҳани ўз муддатларида сифатли ва тўлиқ бажариш. Молиявий маблағлар ва моддий-техник ресурсларни мақсадли ишлатиш.

3.6.2. Шартнома бўйича ишларни тўлиқ ҳужжатлаштириш ва ўз вақтида илмий ва молиявий ҳисоботларни топшириш.

3.6.3. Лойиҳа бўйича тайёрланган ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, аввал бажарилмаганлиги, кўчирмачилик (плагиат)га йўл қўйилмаганлиги ҳамда танлов мавзуси ва шартларига мослигига жавобгардир.

3.7. Шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда томонлар ушбу шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида жавобгардир.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ушбу шартнома бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш, ишни ёки босқични ёпиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

4.2. Ижрочилар лойиҳани бажариш календар режасига асосан тайёрланган йиллик (оралиқ) илмий ҳисоботни лойиҳа бошланган кундан бошлаб бир йил (12 ой) ўтгандан сўнг кейинги кейинги ҳисобот ойининг 15 санасига қадар, якуний илмий ҳисоботни эса лойиҳа тугагандан кейинги ҳисобот ойининг 15 санасига қадар «Буюртмачи»га тоширади. Агар илмий ҳисобот кўрсатилган муддатда «Буюртмачи»га топширилмаса ёки ушбу шартноманинг 2.3-бандида келтирилган шартлар бажарилмаса ажратилган маблағнинг 5 фоизи «Буюртмачи» кўрсатмасига биноан ушлаб қолинади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда 2971-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги 182-сон буйруғига мувофиқ чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик ва йиллик молиявий ҳисоботлар Ижрочилар томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасигача топширилади.

4.4. Иш босқичларини қабул қилиш жараёнида ушбу шартноманинг календар режасида кўрсатилган талабларига мос келмаслиги аниқланса, Ижрочилар белгиланган ишлар ҳажмини ўз ҳисобидан келишилган муддатда тўлиқ бажаришга мажбур.

4.5. Агар ишни бажариш жараёнида салбий натижа олиш ҳолати ёки ишни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, Ижрочилар ишни тўхтатиши ва бу ҳақда бир ҳафта муддатда «Буюртмачи»ни расмий хабардор қилиши зарур. Ушбу ҳолларда томонлар ишни кейинчалик давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қиладилар.

4.6. Ижрочилар томонидан лойиҳа «Буюртмачи» билан келишилган календар режа доирасида бажарилмаганлиги аниқланса, оралиқ босқич ҳужжатлари ва ҳисоботлар белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилмаса ҳамда ўз муддатларида топширилмаса, бундай ҳолатларда «Буюртмачи» қарори билан молиялаштириш тўхтатилади ва шартнома бекор қилинади.

## 5. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Ижрочилар ва Лойиҳа раҳбарлари мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ва/ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартноманинг бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмаса, буюртмачининг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарарини Ижрочилар ва Лойиҳа раҳбарлари биргаликда қоплаши шарт.

5.2. Ижрочилар ва Лойиҳа раҳбарлари агар тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш жараёнида айбдор бўлмагани ҳолда ишни давом эттириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, «Буюртмачи» Ижрочилар харажатларини тўлаши шарт.

5.3. Шартнома Ижрочилар томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳолатларда ишлар бажарилмаган ва шартнома шартлари бузилган деб ҳисобланади. Бу ҳолатда Ижрочилар шартномага сарфланган маблағларни «Буюртмачи»га қайтаради.

## 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Агар шартнома мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларнинг вужудга келиши натижасида бажарилмаган бўлса томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди: сув босиш, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар ва шунингдек уруш, ҳарбий ҳаракатлар ёки шартнома тузилгандан кейин томонларнинг назоратидан ташқарида енгиб бўлмас куч таъсирида содир бўлган ҳолатлар. Бунда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига мос равишда кейинга сурилади.

## 7. Бошқа шартлар

7.1. Лойиҳа раҳбарлар ва Ижрочилар мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган ишланмалар, чоп этилган мақолалар, монографиялар, оммавий-ахборот воситаларидаги маълумотларда ишлар «Буюртмачи» томонидан молиялаштирилган лойиҳалар доирасида бажарилганлигини қайд этишлари шарт.

7.2. Лойиҳа доирасида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши зарур бўлган илмий натижа олинса Лойиҳа раҳбарлари бир ҳафта муддатда Ижрочиларга бу ҳақда ёзма хабар бериши лозим. Ижрочилар икки ҳафта муддатда ўзининг илмий-техникавий кенгашида хабарни кўриб чиқиб, интеллектуал мулк объектини муҳофаза қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва «Буюртмачи»га бу ҳақда ахборот беради. Шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида яратилган интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш «Буюртмачи» билан ёзма равишда олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

7.3. Лойиҳа ижрочилари билан тузиладиган меҳнат шартномасида қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу шартнома шартлари асосида лойиҳа доирасида яратиладиган интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилинишини таъминлашга доир банд киритилиши лозим.

7.4. Лойиҳа доирасида яратилган интеллектуал мулк объектлари учинчи томонга бериладиган бўлса, лицензион келишув асосида берилиши ва лицензион келишувда технология (ишланма) муаллиф(лар)и, «Ижрочи» ҳамда учинчи томонлар ўртасида фойдани тақсимланиши кўрсатилади.

7.5. Ушбу шартнома бўйича лойиҳани бажарилиши учун сотиб олинган асбоб-ускуналар, қурилмалар иш бажарилгандан сўнг тегишлича «Биринчи ижрочи» ва «Иккинчи ижрочи» балансида қолдирилади. Молия йилининг охирида ҳар бир сотиб олинган асбоб-ускуна, қурилма ва бошқалар бўйича молиявий харажати кўрсатилган рўйхат «Буюртмачи»га тақдим этилади.

7.6. Томонларнинг келишувига биноан белгиланган тартибда ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ёки бекор қилиниши ёзма равишда расмийлаштирилади.

7.7. Ушбу шартномани бажарилиши жараёнида юзага келган келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади. Ўзаро келишув таъминланмаган ҳолда келишмовчиликлар давогар жойлашган ҳудуддаги тегишли судда ҳал қилинади.

7.8. Томонларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

7.9. Календар режа ва харажатлар сметаси мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.10. Ушбу шартнома олтита асл нусхада тузилади: 1- ва 2-нусхалари «Буюртмачи»га, 3- ва 4-нусхалари «Биринчи ижрочи»га, 5- ва 6-нусхалари «Иккинчи ижрочи»га, берилади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

| | **«Буюртмачи»** | **«Мегалойиҳа раҳбари»** | **«Биринчи ижрочи»** | **«Мегалойиҳа ҳамраҳбари»** | **«Иккинчи ижрочи»** |
|---|---|---|---|---|---|
| Номи | Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги | PhD (техника фанлари) **Тожиев Панжи Жовлиевич** | Термиз давлат университети ректори | техника фанлари доктори **Жураев Асрор Бахтиёр ўғли** | Тошкент кимё-технология институти |
| Манзил: | 100060, Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 34а | Термиз шаҳар Бахт кўчаси 6ª-уй 16-хонадон | Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси 41 уй. | 100037, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 30-уй, 52-хонадон | 100011, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 32-уй |
| Телефон: Факс: | 71-256-47-80 71-256-34-11 | (93) 591-60-45 (мобил) | (7622) 1-84-46, факс: (7622) 1-74-55 | (71) 225-00-39 (уй) (93) 375-42-26 (мобил) | 71-244-92-48 |
| Ҳисоб раками | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги 2340 2000 3001 0000 1010 МБ ХККМ ББ Тошкент ш. ИНН 201122919 | | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги 2340 2000 3001 0000 1010 МБ ХККМ ББ Тошкент ш. ИНН 201122919 | | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги 2340 2000 3001 0000 1010 МБ ХККМ ББ Тошкент ш. ИНН 201122919 |
| МФО | 00014 | | | | 00963 |
| ИНН | 305166715 | | 200473474 | | 201053370 |
| ОКЭД | 84111 | | 92110 | | 92110 |

**«Буюртмачи»**
**И.Ю.Абдураҳмонов**
_______________________
«____» _________2020 й.
М.Ў.

**«Лойиҳа раҳбари»**
**Тожиев П.Ж.**
_______________________
«____» _________2020 й.

**«Биринчи ижрочи»**
**Термиз давлат университети**
_______________________
«____» _________ 2020
М.Ў.

**«Лойиҳа ҳамраҳбари»**
**Жураев А.Б.**
_______________________
«____» _________2020 й.
М.Ў.

**«Иккинчи ижрочи»**
**Тошкент кимё-технология институти**
_______________________
«____» _________ 2020

№ _______________-сон
шартномага 1-илова

| «КЕЛИШИЛДИ» | «ТАСДИҚЛАЙМАН» |
|---|---|
| «Буюртмачи» | «Биринчи ижрочи» |
| _______________ И.Ю.Абдураҳмонов | _______________ |
| «____» ________ 2020 йил | «____» ________ 2020 йил |
| | *ТерДУ* |

**Лойиҳа шифри № ___________**

**Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш** мавзусидаги амалий лойиҳа бўйича бажариладиган ишлар, ҳисобот шакллари ва тақдим этиш муддатларининг

**К а л е н д а р   р е ж а с и***

***Лойиҳанинг 1-йили (2021 йил)***

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Соҳа ва мавзуга оид илмий ишланмалар ва адабиётлар билан танишиш, таҳлил қилиш, полимерлар ва улар асосида олинган композицион материаллар бўйича илмий техник ва патент адабиётлар йиғиш ва шарҳлаш. Мавзунинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш. Барча тўлдиргичлар (базальт, вермикулит, валлостонит, талк)нинг таркиби, хоссалари, дисперслик даражасини ўрганиш . | I чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 2 | Полиэтилен, полипропилен ва поливинил-хлорид, оҳактош, волластонит, базальт, вермикулит, минераллари ва бошқа қўшимчалардан термик барқарор ва экологик тоза тўлдирилган полимер композицион материаллар олишнинг мақбул шароитларни аниқлаш; Қўшимчалар табиатининг олинадиган материал хоссаларига таъсирини ўрганиш. | II чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 3 | Поливинилхлорид ва базальт ҳамда вермикулит асосида композицион материаллари олиш учун лаборатория технологик технологик линияни яратиш. ГОСТ меъёрлари бўйича полимер ва минералларнинг ўзаро боғланиш қонуниятлари асосида олинган янги композит матиериалларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш. | III-чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 4 | Поливинилхлорид асосида композицион материаллари олишнинг вақтинча | IV-чорак | Йиллик ҳисобот |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | лаборатория регламентини яратиш. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий журналларда 1та мақола ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда 1 та мақолала чоп этилади. | | |

***Лойиҳанинг 2-йили (2022 йил)***

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Минераллашган полиэтилен, полипропилен ва поливинилхлориддан труба, фитинг, пол қопламаси ва панелларнинг дастлабки намуналари тажриба шароитида ишлаб чиқариш. | I чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 2 | Технологик регламент ва техник шартлар тузилади ҳамда қўшимча ишлатилиш соҳалари аниқланади. | II чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 3 | Поливинилхлорид асосида полимер композицион материаллари олишнинг технологик регламентини яратиш. Полимерлар ва улар асосида олинган композицион материаллар учун тақдим этилган патент талабномасини ҳолатини ўрганиш. | III чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 4 | Олинган натижалар "Web of Science", "Scopus" маълумотлар базасига киритилган журналларда 1 та мақола, хорижий ва маҳаллий журналларда биттадан мақола ва илмий конференцияларда тезислар эълон қилинади . | IV чорак | Йиллик ҳисобот |

***Лойиҳанинг 3-йили (2023 йил)***

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Вермикулит,волостонит, базальт ва тальк тўлдирувчилари асосида полимер композиция таркиби, рецептурасини аниқлаш ва оптималлаштириш. Технологик линияда намуналар олиш ва уларнинг кўрсатгичларини саноат намуналари билан солиштириш ва тахлил қилиш | I чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 2 | Олинган минераллашган труба, фитинг, пол қопламаси ва панелларнинг саноат намуналарининг давлат стандартлари талабларига жавоб бериши синовдан ўтказилиб, тегишли сертификатлар олинади. | II чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 3 | Яратилган технологик линияни такомиллаштириш. Ишлаб чиқарилган таркиб асосида полимер композицион қувурлар, фитинг, панел ва пол намуналарини ишлаб чиқиш ва уларни корхоналар шароитида амалга ошириш | III-чорак | М-06 шаклида ҳисобот |
| 4 | Тадқиқотлар натижалари асосида умумий хулоса, тахлил ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш. Олинган натижалар асосида Scopus журналларида 1 та мақола, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 2 та мақола чоп этиш. | IV чорак | Якуний ҳисобот |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI KADRLAR BO'LIMI

Лойиҳа раҳбари

т.ф.PhD Тожиев П.Ж.

«____» ____________2020 йил

* Лойиҳанинг календарь режасида амалга ошириладиган ишлар мазкур лойиҳа бўйича тадқиқот шакли, илмий-тадқиқот натижалари ҳамда олинган натижаларни синовдан ўтказиш тадбирлари эълон матнига мувофиқ равишда ва тўлиқ ҳажмда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, календарь режада тадқиқот натижалари бўйича нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда чоп этиладиган мақолалар сони ва уларни чоп этиш муддатларини аниқ кўрсатиш талаб этилади.

**№ __________-сон**
шартномага 2-илова

## ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ*

| Т/р | Харажатлар йўналиши | Харажатлар миқдори (минг.сўм) |
|---|---|---|
| | **ҲАММАСИ** | **400 000,0** |
| 1. | Меҳнатга ҳақ тўлаш | 215 475,0 |
| 2. | Ягона ижтимоий тўлов | 53 869,0 |
| 3. | Хизмат сафарлари харажатлари | 7 500,0 |
| 4. | Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг тадқиқот ишлари учун тўлов | 5 000,0 |
| 5. | Илмий тадқиқот учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш) | 83156,0 |
| 6. | Илмий тадқиқот учун материаллар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатлари | 12 500,0 |
| 7. | Лойиҳани амалга ошириш учун бошқа харажатлар | 7 500,0 |
| 8. | Ташкилотнинг устама харажатлари | 15 000,0 |

### Режалаштирилган харажатлар ва уларнинг асосланиши

### Меҳнатга ҳақ тўлаш

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

| Лойиҳа бўйича лавозими | Ойлик иш ҳақи | Иш давомийлиги (ойларда) | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Раҳбар | 3271,125 | 12 | - | - | 39 253,5 |
| Бош илмий ходим 1 нафар | 3777,5 | 12 | - | - | 45 330,0 |
| Етакчи илмий ходим 1 нафар | 1917,375 | 12 | - | - | 23 008,5 |
| Катта илмий ходим 4 нафар | 7930,925 | 12 | - | - | 95 171,1 |
| Стажер-тадқиқотчи 1 нафар | 1057,7 | 12 | - | - | 12 692,4 |
| Жами | 17 956,3 | | - | - | 215 475,5 |
| Ойлик | 4 489,0 | (бир ой | - | - | 53 868,875 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| чегирмалар (25%) | | учун) | | | |
| Жами (ойлик + чегирмалар) | 22445,364 | | **-** | **-** | 269 344,375 |

**Хизмат сафарлари**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

***Лойиҳанинг 1-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Республика ичида | | | | | |
| Тошкент шаҳри | 8 | 2 032,0 | 1 200,0 | 375,0 | **3 607,0** |
| Жиззах шаҳри | 10 | 2 00,0 | 900,0 | 268,0 | **3 653,0** |
| Вилоят туманларига | 6 | 150,0 | 100,0 | 75,0 | **325,0** |
| Хорижда | - | - | - | - | - |
| Жами | **24** | **4 582,0** | **2 200,0** | **718,0** | **7 500,0** |

***Лойиҳанинг 2-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Республика ичида | | | | | |
| Тошкент шаҳри | 8 | 2 032,0 | 1 200,0 | 375,0 | **3 607,0** |
| Жиззах шаҳри | 10 | 2 00,0 | 900,0 | 268,0 | **3 653,0** |
| Вилоят туманларига | 6 | 150,0 | 100,0 | 75,0 | **325,0** |
| Хорижда | - | - | - | - | - |
| Жами | **24** | **4 582,0** | **2 200,0** | **718,0** | **7 500,0** |

***Лойиҳанинг 3-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Республика ичида<br><br>Тошкент шаҳри<br><br>Жиззах шаҳри<br><br>Вилоят туманларига | <br><br>8<br><br>10<br><br>6 | <br><br>2 032,0<br><br>2 00,0<br><br>150,0 | <br><br>1 200,0<br><br>900,0<br><br>100,0 | <br><br>375,0<br><br>268,0<br><br>75,0 | <br><br>**3 607,0**<br><br>**3 653,0**<br><br>**325,0** |
| Хорижда | - | - | - | - | - |
| Жами | **24** | **4 582,0** | **2 200,0** | **718,0** | **7 500,0** |

**Хизмат сафарларининг асосномаси**

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчи лар сони** | **Хизмат сафаридан мақсад** |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳри, юқори технологиялар марказига | 2 | Олинган натижаларни анализ қилиш, намуналарнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш. |
| Тошкент шаҳри, юқори технологиялар марказига | 2 | Олинган натижаларни анализ қилиш, намуналарнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш. |
| Тошкент шаҳри, Биоорганик кимё институтига, Умумий ва ноорганик кимё институтига | 2 | Олинган натижаларни анализ қилиш, намуналарнинг теплофизик хусусиятларини ўрганиш. |
| Тошкент шаҳри, Полимерлар кимёси ва физикаси институтига | 2 | Олинган натижаларни анализ қилиш, намуналарнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, олинган маълумотлар асосида ОАК эътироф этган журналларда мақолалар чоп эттириш. |
| Жиззах шаҳри, “Жиззах пластмасса” АЖ | 2 | Олинган натижаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш |
| Жиззах шаҳри, “Жиззах пластмасса” АЖ | 2 | Олинган натижаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш |
| Жиззах шаҳри, “Жиззах пластмасса” АЖ | 2 | Олинган натижаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш |
| Жиззах шаҳри, “Жиззах пластмасса” АЖ | 2 | Олинган натижаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш |
| Жиззах шаҳри, “Жиззах пластмасса” АЖ | 2 | Олинган натижаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш |
| Шеробод тумани, Бешбулоқ оҳактош конига | 2 | Илмий-тадқиқот ишлари учун маҳаллий минераллардан намуналар олиб келиш. |
| Шеробод тумани, Бешбулоқ оҳактош конига | 2 | Илмий-тадқиқот ишлари учун маҳаллий минераллардан намуналар олиб келиш. |
| Сариосиё тумани, Шарғун оҳактош кони | 2 | Илмий-тадқиқот ишлари учун маҳаллий минераллардан намуналар олиб келиш. |

**Илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш)**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

***Лойиҳанинг 1-йили***

| Харажат йўналишлари | Миқдори (дона,кг.) | Бирлик товар нархи | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | 20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | 35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | **700 000**<br>**200 000**<br>**250 000**<br>**60 000**<br>**60 000**<br>**20 000**<br>**10 000** |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | 1 дона<br>1 дона | 2 400 000<br>3 100 000 | -<br>- | -<br>- | **2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар:<br>1. Шарли тегирмон | 1 дона | 20 106,0 | - | - | 20 106,0 |
| 2. Аралаштиргич | 1 дона | 14 000,0 | - | - | 14 000,0 |
| 3. Экструдер | 1 дона | 48 000,0 | - | - | 48 000,0 |
| 4. Хомашё, материал - полиэтилен | 278 кг | 18,0 | - | - | 5 000,0 |
| 5. Хомашё, материал - полипропилен | 400 кг | 12,5 | - | - | 5 000,0 |
| 6. Хомашё, материал – поливинилхлорид | 500 кг | 12,0 | - | - | 6 000,0 |
| 7. Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.) | 1200 кг | 2,5 | - | - | 3 000,0 |
| 8. Хомашё, материал – базальт, вермикулит, | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| воллостанит. | 1500 кг | 4,0 | - | - | 6 000,0 |
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3.<br>... | - | - | - | - | - |

*Лойиҳанинг 2-йили*

| Харажат йўналишлари | Миқдори (дона,кг.) | Бирлик товар нархи | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | 20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | 35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | **700 000**<br>**200 000**<br>**250 000**<br>**60 000**<br>**60 000**<br>**20 000**<br>**10 000** |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | 1 дона<br>1 дона | 2 400 000<br>3 100 000 | -<br>- | -<br>- | **2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар:<br>1. Шарли тегирмон<br>2. Аралаштиргич<br>3. Экструдер<br>4. Хомашё, материал - полиэтилен<br>5. Хомашё, материал - полипропилен<br>6. Хомашё, материал – поливинилхлорид | 1 дона<br>1 дона<br>1 дона<br>278 кг<br>400 кг<br>500 кг | 20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>18,0<br>12,5<br>12,0 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | 20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>5 000,0<br>5 000,0<br>6 000,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.)<br><br>8. Хомашё, материал – базальт, вермикулит, воллостанит. | 1200 кг<br><br>1500 кг | 2,5<br><br>4,0 | -<br><br>- | -<br><br>- | 3 000,0<br><br>6 000,0 |
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3.<br>... | - | - | - | - | - |

*Лойиҳанинг 3-йили*

| **Харажат йўналишлари** | **Миқдори (дона,кг.)** | **Бирлик товар нархи** | **Жамғарма маблағи** | **Ҳиссадор маблағи** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | <br><br>20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | <br><br>35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>**700 000**<br>**200 000**<br>**250 000**<br>**60 000**<br>**60 000**<br>**20 000**<br>**10 000** |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | <br>1 дона<br>1 дона | <br>2 400 000<br>3 100 000 | <br>-<br>- | <br>-<br>- | <br>**2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар:<br>1. Шарли тегирмон<br><br>2. Аралаштиргич<br><br>3. Экструдер<br><br>4. Хомашё, материал - полиэтилен<br><br>5. Хомашё, материал | <br>1 дона<br><br>1 дона<br><br>1 дона<br><br>278 кг | <br>20 106,0<br><br>14 000,0<br><br>48 000,0<br><br>18,0 | <br>-<br><br>-<br><br>-<br><br>- | <br>-<br><br>-<br><br>-<br><br>- | <br>20 106,0<br><br>14 000,0<br><br>48 000,0<br><br>5 000,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| - полипропилен<br><br>6. Хомашё, материал – поливинилхлорид<br><br>7. Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.)<br><br>8. Хомашё, материал – базальт, вермикулит, воллостанит. | 400 кг<br><br>500 кг<br><br>1200 кг<br><br>1500 кг | 12,5<br><br>12,0<br><br>2,5<br><br>4,0 | -<br><br>-<br><br>-<br><br>- | -<br><br>-<br><br>-<br><br>- | 5 000,0<br><br>6 000,0<br><br>3 000,0<br><br>6 000,0 |
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3.<br>... | - | - | - | - | - |

**Сотиб олиниши режалаштирилган хомашё, асбоб-ускуналар ва техник воситаларнинг асосномаси**

| **Харажат йўналишлари** | **Сотиб олиниши режалаштирилаётган маҳсулот нима учун хизмат қилади** |
|---|---|
| Шарли тегирмон | Кичик ўлчамли қаттиқ моддаларни кукун ҳолигача майдалаш учун ишлатилади. |
| Аралаштиргич | Дастлабки моддаларни ўзаро бир текис аралаштириш учун ишлатилади. |
| Экструдер | Турли жинсли моддаларни ҳарорат таъсирида аралаштириб, бир жинсли ҳолатга келтириш учун ишлатилади. |
| Хомашё, материал - полиэтилен | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - полипропилен | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - поливинилхлорид | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.) | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал – базальт, вермикулит, воллостанит. | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |

*Харажат турлари ҳар бир лойиҳанинг мазмуни ва хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин. Бошқа ташкилотлар томонидан бажариладиган хизмат турларига эҳтиёж бўлса, хизмат учун тўлов миқдори ва асосланмаси келтирилади.

*Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар ушбу шартнома доирасида илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва натижада юқори қийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

№ ________________-сон
шартномага 1-илова

| | |
|---|---|
| **«КЕЛИШИЛДИ»** | **«ТАСДИҚЛАЙМАН»** |
| **«Буюртмачи»** | **«Иккинчи ижрочи»** |
| _______________ **И.Ю.Абдураҳмонов** | ____________________ |
| **«____» ________ 2020 йил** | **«____» ________ 2020 йил** |

***ТКТИ***

**Лойиҳа шифри № ___________**

**Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш** мавзусидаги амалий лойиҳа бўйича бажариладиган ишлар, ҳисобот шакллари ва тақдим этиш муддатларининг

**К а л е н д а р р е ж а с и***

**Лойиҳани 1-йили (2021 йил)**

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Соҳа ва мавзуга оид илмий ишланмалар ва адабиётлар билан танишиш, таҳлил қилиш, ёғоч ва полимерлар ва улар асосида олинган композицион материаллар бўйича илмий техник ва патент адабиётлар йиғиш ва шархлаш. Барча тўлдиргичларни таркиби, хоссалари, дисперслик даражаси ўрганиш (қипиқ, тилоғоч, япроқ баргли, нина баргли, МДФ қиғиндиси, ёғоч уни, мель, базальт, валлостонит, талк). | I-чорак | М-06 шаклида |
| 2. | Ёғоч ва полимерлар ва улар асосида олинган композицион материаллар учун патент олишга талабнома бериш. Ёғоч композицион материаллари олиш учун асосий лаборатория технологик жихозларини олиш. Олинган натижалар асосида тўлдирилган ПВХ композицияси рецептура ишлаб чиқиш. | II-чорак | М-06 шаклида |
| | Поливинилхлорид асосида ёғоч композицион материаллари олиш учун лаборатория технологик технологик линияни яратиш. Олинган намуналарнинг ГОСТ меъёрлари бўйича технологик, ҳамда эксплуатацион хоссаларини ўрганиш, тахлил қилиш (зичлик, сувшимумчанлик, бўкувчанлик, чузилишдаги мустахкамлик, эгилишдаги мустахкамлик, зарбий қовушқоқлик, оловбардошлиги) ва саноат намуналари билан солиштириш, тахлил қилиш | III-чорак | М-06 шаклида |
| 3. | Поливинилхлорид асосида ёғоч композицион материаллари олишнинг вақтинча лаборатория регламентини яратиш. Полимер композицион | IV-чорак | Йиллик ҳисобот |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | материал таркибида ёғоч миқдорини оптималлаштириш. Олинган натижалар асосида Scopus журналларида 1 та мақола, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 2 та мақола чоп этиш. | | |

**Лойиҳани 2-йили (2022 йил)**

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Олинган жихозлар асосида ПВХ асосида полимер композицион материал олишнинг технологик линиясини яратиш.<br>Волостонит, базальт ва талк тўлдирувчилари асосида полимер композиция таркибини аниқлаш. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган ПВХ С-6346-М ва С-4700-Ж ва саноат чиқиндисини SG-5, SG-8, S-700 маркалари билан алмаштириш ва технологик хоссаларини ўрганиш. | I-чорак | М-06 шаклида |
| 2. | Олинган полимер композицион материаллари ГОСТ меъёрлари бўйича технологик, ҳамда эксплуатацион хоссаларини ўрганиш, тахлил қилиш (зичлик, сувшимумчанлик, бўкувчанлик, чузилишдаги мустахкамлик, эгилишдаги мустахкамлик, зарбий қовушқоқлик, оловбардошлиги) ва саноат намуналари билан солиштириш, тахлил қилиш | II-чорак | М-06 шаклида |
| 3. | Поливинилхлорид асосида ёғоч композицион материаллари олишнинг технологик регламентини яратиш. Ёғоч ва полимерлар ва улар асосида олинган композицион материаллар учун тақдим этилган патент талабномасини ҳолатини щрганиш. | III-чорак | М-06 шаклида |
| 4. | Поливинилхлорид асосида полимер композицион материаллари яратилган регламант асосида ярим саноат намунасини олиш ва уларни технологик ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш. Олинган натижалар асосида Scopus журналларида 1 та мақола, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 2 та мақола чоп этиш. | IV-чорак | Йиллик ҳисобот |

**Лойиҳани 3-йили (2023 йил)**

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Ҳисобот муддати | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|
| 1. | Ёғоч, мел, волостонит, базальт ва талк тўлдирувчилари асосида полимер композиция таркиби, рецептурасини аниқлаш ва оптималлаштириш. Технологик линияда намуналар олиш ва уларни кўрсатгичларини саноат намуналари билан солиштириш ва тахлил қилиш | I-чорак | М-06 шаклида |
| 2. | Поливинилхлорид асосида ёғоч полимер композицион материални моддий сарф балансИ, иқтисодий хисоб китобларини ишлаб чиқиш. | II-чорак | М-06 шаклида |
| 3. | Яратилган технологик линияни такомиллаштириш. Ишлаб чиқарилган рецептура асосида полимер композицион плита, декор ва терас доска ва панел намуналарини ишлаб чиқиш ва уларни корхоналар шароитида амалга ошириш | III-чорак | М-06 шаклида |
| 4. | Тадқиқотлар натижалари асосида умумий хулоса, тахлил ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш. Олинган натижалар асосида Scopus журналларида 1 та мақола, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 2 та мақола чоп этиш. | IV-чорак | Якуний ҳисобот |

O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligi TOSHKENT KIMYO-TEXNOLOGIYA INSTITUTI KADRLAR BO'LIMI

Лойиҳа раҳбари
т.ф.д. Жураев А.Б.
«____» ____________2020 йил

* Лойиҳанинг календарь режасида амалга ошириладиган ишлар мазкур лойиҳа бўйича тадқиқот шакли, илмий-тадқиқот натижалари ҳамда олинган натижаларни синовдан ўтказиш тадбирлари эълон матнига мувофиқ равишда ва тўлиқ ҳажмда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, календарь режада тадқиқот натижалари бўйича нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда чоп этиладиган мақолалар сони ва уларни чоп этиш муддатларини аниқ кўрсатиш талаб этилади.

№ __________-сон
шартномага 2-илова

## ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ*

| Т/р | Харажатлар йўналиши | Харажатлар миқдори (минг.сўм) |
|---|---|---|
| | **ҲАММАСИ** | **400 000,0** |
| 1. | Меҳнатга ҳақтўлаш | 208000,0 |
| 2. | Ягона ижтимоий тўлов | 52000,0 |
| 3. | Хизмат сафарлари харажатлари | 7 460,0 |
| 4. | Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг тадқиқот ишлари учун тўлов | 5 000,0 |
| 5. | Илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан,ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш,ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш) | 107 500,0 |
| 6. | Илмий тадқиқотлар учун материаллар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатлари | 12 500,0 |
| 7. | Лойиҳани амалга ошириш учун бошқа харажатлар | 7 540,0 |
| 8. | Ташкилотнинг устама харажатлари | 15 000,0 |

## Режалаштирилган харажатлар ва уларнинг асосланиши

### Меҳнатга ҳақ тўлаш

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

| Лойиҳа бўйича лавозими | Ойлик иш ҳақи | Иш давомийлиги (ойларда) | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Илмий раҳбар - катта илмий ходим. | 3310 | 12 | - | - | 39720 |
| 2. Бош илмий ходим 1 нафар | 3022 | 12 | - | - | 36264 |
| 3. Етакчи илмий ходим 1 нафар | 2560 | 12 | - | - | 30720 |
| 4. Катта илмий ходим 1 нафар | 3593 | 12 | - | - | 43116 |
| 5. Кичик илмий ходим 1 нафар | 3593 | | | | 43116 |
| 6. Стажер-тадқиқотчи 1 нафар | 1255,4 | 12 | - | - | 15064,8 |
| Жами | 17333,4 | | - | - | 208000,8 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Ойлик чегирмалар (25%) | 4 333,35 | (бир ой учун) | - | - | 52000,2 |
| Жами (ойлик + чегирмалар) | 21 666,75 | | - | - | 260001,0 |

**Хизмат сафарлари**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

***Лойиҳанинг 1-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Навоий вилояти | 5 | 1 200,0 | 1 800,0 | 400,0 | **3 400,0** |
| Жиззах шахри | 4 | 800,0 | 1 500,0 | 320,0 | **2 620,0** |
| Вилоят туманларига | 3 | 300,0 | 900,0 | 240,0 | **1 440,0** |
| | | | | | |
| **Жами** | **12** | **2 300,0** | **4 200,0** | **960,0** | **7 460,0** |

***Лойиҳанинг 2-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Навоий вилояти | 5 | 1 200,0 | 1 800,0 | 400,0 | **3 400,0** |
| Жиззах шахри | 4 | 800,0 | 1 500,0 | 320,0 | **2 620,0** |
| Вилоят туманларига | 3 | 300,0 | 900,0 | 240,0 | **1 440,0** |
| | | | | | |
| **Жами** | **12** | **2 300,0** | **4 200,0** | **960,0** | **7 460,0** |

***Лойиҳанинг 3-йили***

| **Манзил (вилоят, шаҳар)** | **Борувчилар сони** | **Йўл ҳақи** | **Меҳмонхона** | **Бошқа харажатлар (қандай)** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Навоий вилояти | 5 | 1 200,0 | 1 800,0 | 400,0 | **3 400,0** |
| Жиззах шахри | 4 | 800,0 | 1 500,0 | 320,0 | **2 620,0** |
| Вилоят туманларига | 3 | 300,0 | 900,0 | 240,0 | **1 440,0** |
| | | | | | |
| **Жами** | **12** | **2 300,0** | **4 200,0** | **960,0** | **7 460,0** |

**Илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш)**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

***Лойиҳанинг 1-йили***

| **Харажат йўналишлари** | **Миқдори (дона,кг.)** | **Бирлик товар нархи** | **Жамғарма маблағи** | **Ҳиссадор маблағи** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | <br><br>20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | <br><br>35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>700 000<br>200 000<br>250 000<br>60 000<br>60 000<br>20 000<br>10 000 |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | <br>1 дона<br>1 дона | <br>2 400 000<br>3 100 000 | <br>-<br>- | <br>-<br>- | <br>**2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар: | | | | | |
| Шарли тегирмон | 1 дона | 20 106,00 | - | - | 20 106,00 |
| Аралаштиргич | 1 дона | 14 000,00 | - | - | 14 000,00 |
| Экструдер | 1 дона | 48 000,00 | - | - | 48 000,00 |
| Хомашё, материал - полиэтилен | 278 кг | 18,00 | - | - | 5 000,00 |
| Хомашё, материал - полипропилен | 400 кг | 12,50 | - | - | 5 000,00 |
| Хомашё, материал - поливинилхлорид | 500 кг | 12,00 | - | - | 6 000,00 |
| Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.) | 1200 кг | 2,50 | - | - | 3 000,00 |
| Хомашё, материал – ёғоч чиқиндиси, базальт, вермикулит, воллостанит. | 1500 кг | 4,00 | - | - | 6 000,00 |
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3. | - | - | - | - | - |

***Лойиҳанинг 2-йили***

| **Харажат** | **Миқдори** | **Бирлик** | **Жамғарма** | **Ҳиссадор** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|

| йўналишлари | (дона,кг.) | товар нархи | маблағи | маблағи | |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | <br><br>20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | <br><br>35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br><br>**700 000**<br>**200 000**<br>**250 000**<br>**60 000**<br>**60 000**<br>**20 000**<br>**10 000** |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | <br>1 дона<br>1 дона | <br>2 400 000<br>3 100 000 | <br>-<br>- | <br>-<br>- | <br>**2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар:<br>1. Барабанли куритгич<br>2. Сув хаммоми<br>3. Экструдер<br>4. Хомашё, материал - полиэтилен<br>5. Хомашё, материал - полипропилен<br>6. Хомашё, материал – поливинилхлорид<br>7. Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.)<br>8. Хомашё, материал – базальт, вермикулит, ДСтП ва МДФ листлари чиқиндилари. воллостанит. | <br>1 дона<br>1 дона<br>1 дона<br>278 кг<br>400 кг<br>500 кг<br>1200 кг<br>1500 кг | <br>20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>18,0<br>12,5<br>12,0<br>2,5<br>4,0 | <br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | <br>20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>5 000,0<br>5 000,0<br>6 000,0<br>3 000,0<br>6 000,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3.<br>... | - | - | - | - | - |

*Лойиҳанинг 3-йили*

| **Харажат йўналишлари** | **Миқдори (дона,кг.)** | **Бирлик товар нархи** | **Жамғарма маблағи** | **Ҳиссадор маблағи** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари:<br>2.Канцтоварлар:<br>2.1. А4 Лист<br>2.2. Калькулятор<br>2.3. Органайзер<br>2.4. Папка регистр.<br>2.5. Файл 100 шт.<br>2.6. Степлер<br>2.7. Папка для бумага | 20 пачка<br>4 дона<br>1 дона<br>4 дона<br>5 дона<br>2 дона<br>10 дона | 35 000<br>50 000<br>250 000<br>15 000<br>12 000<br>10 000<br>1 000 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | **700 000**<br>**200 000**<br>**250 000**<br>**60 000**<br>**60 000**<br>**20 000**<br>**10 000** |
| ОРГ техника воситалари:<br>1. Принтер Canonx3<br>2. Компютер Acer core i5 | 1 дона<br>1 дона | 2 400 000<br>3 100 000 | -<br>- | -<br>- | **2 400 000**<br>**3 100 000** |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | 5 000 000 | - | - | **5 000 000** |
| Асбоб-ускуналар:<br>1. Тортиб форма берувчи валлар<br>2. Қолиблар(основний фильерлар)<br>3. Экструдер<br>4. Хомашё, материал - полиэтилен<br>5. Хомашё, материал - полипропилен<br>6. Хомашё, материал – поливинилхлорид | 1 дона<br>1 дона<br>1 дона<br>278 кг<br>400 кг<br>500 кг | 20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>18,0<br>12,5<br>12,0 | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | -<br>-<br>-<br>-<br>-<br>- | 20 106,0<br>14 000,0<br>48 000,0<br>5 000,0<br>5 000,0<br>6 000,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.)<br><br>8. Хомашё, материал – базальт, вермикулит, воллостанит. | 1200 кг<br><br>1500 кг | 2,5<br><br>4,0 | -<br><br>- | -<br><br>- | 3 000,0<br><br>6 000,0 |
| Инвентарлар сотиб олиш:<br>1.<br>2.<br>3.<br>... | - | - | - | - | - |

**Сотиб олиниши режалаштирилган хомашё, асбоб-ускуналар ва техник воситаларнинг асосномаси**

| Харажат йўналишлари | Сотиб олиниши режалаштирилаётган маҳсулот нима учун хизмат қилади |
|---|---|
| Шарли тегирмон | Кичик ўлчамли қаттиқ моддаларни кукун ҳолигача майдалаш учун ишлатилади. |
| Аралаштиргич | Дастлабки моддаларни ўзаро бир текис аралаштириш учун ишлатилади. |
| Экструдер | Турли жинсли моддаларни ҳарорат таъсирида аралаштириб, бир жинсли ҳолатга келтириш учун ишлатилади. |
| Барабанли қуритгич | Ёғоч, ДСтП, МДФ ва қамиш каби тўлдирувчиларни ва уларни чиқиндиларни ишлаб чиқариш меъёриларига мос равишда қуритишда ишлатилади. |
| Сув хаммоми | Экструдердан чиққан маҳсулотни керакли формада қолиши ва керакли шаклда мустаҳкам қотиришга ишлатилади. |
| Тортиб форма берувчи валлар | Экструдердан чиқаётган маҳсулотни бир маромда тортиб керакли қолиб шаклида бўлишига ва қолибдан текис равон чиқишига ҳизмат қилади. |
| Қолиблар (осносний фильерлар) | Экструдерни олд уч қисмига қўйиладиган, чиқаётган материалга маълум шакл берувчи жиҳоз. |
| Хомашё, материал - полиэтилен | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - полипропилен | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - поливинилхлорид | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал - минераллар (кальций карбонат, тальк, каолин ва б.) | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |
| Хомашё, материал – базальт, вермикулит, воллостанит, | Хоссаларини ўрганиш ва тажриба ўтказиш |

| | |
|---|---|
| ДСтП,МДФчиқиндиси, япроқ баргли, нина баргли, терак ва қамиш ёғоч намуналари. | |

*Харажат турлари ҳар бир лойиҳанинг мазмуни ва хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин. Бошқа ташкилотлар томонидан бажариладиган хизмат турларига эҳтиёж бўлса, хизмат учун тўлов миқдори ва асосланмаси келтирилади.

*Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар ушбу шартнома доирасида илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва натижада юқори қийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.